КУТУБХОНА 1
Тадқиқотлар институти

2005 YIL 9 AVGUST, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 96. (6.933). Sotuvda erkin narxda




Айни кунларда Нарпай туманидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Оқтош мева» қўшма корхонасида иш жараёни қизғин. Чунки жорий йилда Россия ҳамда Украинага 18 минг шартли банка томат пастаси, 900 шартли банка ўрик шарбати етказиб бериш бўйича шартнома тузган корхона аллақачон экспорт ишларини бошлаб юборган.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Б.АКРАМОВ олган суратлар.**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

# Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик-ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди: фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1 йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди.

Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишини таъминлади.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига ҳам тўла мос келади.

Айни вақтда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги хорижий тажриба ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирлари ўтказилганидан кейин изчиллик билан амалга оширилиши лозим.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгиловчи 19, 25 ва 44-моддаларига мувофиқ:

(Давоми 2-бетда)

# Август – пахта ҳосилини ҳал қилувчи ой

***Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг мамлакатимиз фермерларига Мурожаатномаси хивалик фермерларни ҳам ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, мўл, эртаги ҳосил олишга, юқори иқтисодий самарадорликка эришишга ундамоқда. Мустақиллигимизнинг ўтган ўн тўрт йили давомида деҳқонларимизнинг дунёқараши, фикрлаши, меҳнатга бўлган муносабати кескин ўзгарди. Хусусан, деҳқонга эрк берилди, ер ўзининг эгасини топди. Бу амалда ижобий самаралар беряпти.***

***Бизнинг туманимиз ҳам бу йилдан бошлаб тўлалигича фермерлик ҳаракатига ўтди. Бугунги кунда 685 фермер хўжалиги 5607 гектар ерда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун меҳнат қилмоқда. Мурожаатнома фермерларга ўзига хос далда бўлди. 16700 тонналик пахта хирмони бунёд этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни тобора жонлантиришга ундади.***

## Аҳдимиз қатъий

Туманимизда суяги пахтачиликда қотган, деҳқончилик илмида бой тажриба тўплаган Маҳмуджон Нуниёзов, Аҳмаджон Олимов, Собиржон Худойберганов, Собиржон Қиличев, Бекдурди Жуманиёзов, Олланазар Пирназаров каби тажрибали бободеҳқонларнинг, етук олимлар, мутахассисларнинг қимматли маслаҳатлари, фикрларига таянган ҳолда август ойида имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Кўпни кўрган бободеҳқонлар билан биргаликда Мурожаатнома моҳияти кенг, чуқур ўқиб-ўрганилди. Барча куч ва имкониятлар ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришга, механизациялашни талаб даражасида ўтказишга, суғоришни, айниқса, "шарбат" усулида суғоришни ташкил қилишга, ҳосилни зараркунанда ҳашаротлар таъсиридан сақлашга қаратилмоқда.

Яқинда ўтказилган рейд текширувлари натижаси шуни кўрсатдики, ҳали туманимизнинг барча фермер хўжаликларида дала ишлари ўз вақтида ва меъёрида бажарилмаяпти. Чинобод қишлоғидаги "Маратбек" фермер хўжалиги тўрт гектар ерга чигит экиб, ниҳолни тўлиқ ундириб ололмаган. Бунинг устига парвариш яхши эмас. Далаларни ўт босиб кетган, чопиқ сифатсиз ўтказилган. Пахта экинидан баландроқ ерга шоли экилганидан далаларни зах босган. "Матёқуббобо қизи Фотима", "Бердибой ўғли Жўрабек" фермер хўжаликларида ҳам агротехник тадбирларни сифатли бажарилишида хато ва камчиликлар борлиги аниқланди. Булар видеотасвирга туширилиб, Мурожаатнома ўқиб эшиттирилган йиғилишда қўйиб берилди ва камчилик-нуқсонларни тезлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Мурожаатнома бизга муҳтарам Юртбошимизнинг "Хоразмлик инсонларга деҳқончилик борасида тенг келадиган кишиларни топиш қийин. Ишнинг кўзини биладиган, тупроққа бир қарашда бўлажак ҳосилнинг чўғини аниқлаб берадиган миришкор деҳқонлар мана шу заминда яшайди. Хоразм деҳқонининг бир кунлик меҳнати қаҳрамонликка тенг" деб айтган сўзларини яна бир бор эслатди. Биз Мурожаатнома замиридаги айни мана шу муносиб баҳога меҳнатимиз самараси билан жавоб бериш учун ўзимизни масъул сезамиз. Августни ҳақиқий зарбдор ойга айлантириш учун бутун куч-имконият, билим ва тажрибаларимизни аямаймиз.

**Мадиёр САЪДУЛЛАЕВ,**
**Хива тумани фермер хўжаликлари уюшмаси раиси.**

## Бўлажак хирмон масъулияти

***Тоғай РАҲМАТОВ, Навбаҳор туманидаги "Янги ер" фермер хўжалиги соҳиби:***

***–Ҳурриятнинг дастлабки йилларидаёқ фермерлик фаолиятимни бошлаган эдим. Биргина ўтган йили 62 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42,3 центнердан ёки жами 262 тонна пахта етиштирдик. Эндиликда фермер хўжалигимизда 120 киши меҳнат қилмоқда.***

Ҳозирғача пахта майдонларига 9 марта сифатли ишлов берилди. Гектарига 10 тоннадан маҳаллий, 800 килограммдан минерал ўғит бериб, ғўзани озиқлантирдик. Бу тадбирлар пишиқ-пухта, белгиланган муддатда, сифатли ўтказилаяпти. 25 июлда чеканкани ниҳоясига етказдик. Суғориш "шарбат" усулида олиб борилаяпти. Бунинг учун бир гектар пахта майдонига 5 тонна ҳисобида компос тайёрлаганмиз.

Айни кунларда ҳар туп ғўзамизда 12-14 тадан тўқ кўсак бор. Август ойида яна 6 тадан кўсак ҳосил қилиш учун дала ишларини қизғин давом эттиряпмиз. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, тўпланган ҳосил салмоғи ҳозир 45 центнерни ташкил этса, 1 сентябрга бориб бу миқдор 50-55 центнерга етади.

**Бобоёр РАЖАБОВ, Кармана туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги етакчиси:**

–Мамлакатимизда фермер хўжаликларига яратилган имкониятлар беқиёс. Нефть маҳсулотлари, техника, моддий ресурслар, сув, минерал ўғит таъминоти яхшиланди. Бу ғамхўрликларга биз ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз билан жавоб бермоқдамиз. Ўтган йили 23 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олган эдик. Шунинг тенг ярми уруғлик пахта бўлди.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

# Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида

Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини депозитларга жалб этиб, уларни айланмага қўйиб ва шу ҳисобдан банк даромад олиб, амалда омонатчилар ҳисобига манфаат кўриб, айни вақтда ўзларининг омонатчилар олдидаги тўғридан-тўғри мажбуриятларини аниқ бажармасдан, уларнинг қонуний талаблари ва эҳтиёжларига бефарқ қараётганликлари, бунинг устига омонатчиларнинг буюртмаларини қондириш чоғида ўз мавқеини суиистеъмол қилиб, уларнинг манфаатларини писанд қилмасликлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят ва шаҳар бўлимлари фаолиятида ҳам худди шундай ҳолатлар мавжуддир.

Шуни назарда тутиш кераккки, бундай муносабат банкларга нисбатан ишончга путур етказмоқда, омонатчиларнинг асосли норозилигига сабаб бўлмоқда, аҳоли, тадбиркорлар ва бизнесменларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга қўйишни чеклаб, уларни жалб этишни рағбатлантирмайди, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга ёрдам бермайди, бутун пул муомаласи тизимини беқарорлаштириб мамлакатга катта иқтисодий зиён етказмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни батамом тугатиш, нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар банклар томонидан узлуксиз бериб борилишини таъминлаш мақсадида:

1. Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисобварақларга жалб этишни рағбатлантириш ҳамда биринчи талаб бўйича уларнинг ҳисобварақларидан нақд пуллар чекловсиз берилишини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари ходимларининг бюрократик, сансалорлик, лоқайдлик ва таъмагирлик ҳолларини жуда қисқа муддатларда тугатиш учун қонунда ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унга берилган барча таъсир кўрсатиш механизмлари ва воситаларидан кенг фойдалансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари 2005 йилнинг 1 сентябригача аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг талаби бўйича нақд пуллар узлуксиз берилишини таъминлаш мақсадида банклардаги депозит ҳисобварақларда бўлган пул маблағларини бериш тартиби ва амалдаги низомни қайта кўриб чиқиш борасида зарур чоралар кўрсин.

(Давоми 2-бетда)

# Аввал ўзингга боқ...

***Катта давлатлардан бири нега кейинги пайтда бизга нисбатан араз ва ғараз йўлини танлади? Бунга Андижон воқеаси сабабчими? Ёки, Хонободдаги авиабазани олиб чиқиб кетишни талаб қилганимизми? Бизнингча, униси ҳам, буниси ҳам бир баҳона. Аслида бу жазаванинг тагида катта стратегик мақсад ётибди.***

Яъни, кимларнингдир ўйлашича, Марказий Осиёдаги мамлакатларнинг жилови дунёга ҳукмронлик даъво қилаётган давлатнинг қўлида бўлиши керак. Биз бўлса ҳеч қачон, кеч кимга қарам бўлмаймиз, деяпмиз. Бу билан кимларнингдир ғашига тегаяпмиз чоғи. Шунинг учун шаштимиздан тушириб қўйиш мақсадида бизга турли даъволарни рўкач қила бошлашди.

**НИГОҲ**

Биз тўқсонинчи йиллар бошидаёқ демократик янгиланиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танладик. Бунда одамларимизнинг менталитети, турмуш тарзи ва тушунчасидан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлдан бордик. Йўқ, дейишди демократия "даҳолари", бу борада Ғарбнинг андозасидан нусха олинглар. Жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган бизнинг юртимиз ва халқимиз нима сабабдан бировларнинг турмуш тарзидан нусха олиши керак? Президентимиз даъвогарларга шу йил январь ойида "Независимая газета"га берган интервьюсида жавоб қайтариб, шундай деди: "Биз халқ ҳокимияти бўлмиш демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга сўзсиз риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларимизни халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб боришимиз керак".

Демократик ўзгаришларни амалга оширар эканмиз, ана шу тамойилларни эътибордан четда қолдирмадик. Бизнинг миллий қадриятларимиз ўз халқимиз учун шу даражада азиз ва муқаддаски, уларни демократия "даҳрийлари"нинг тазйиқлари тугул, ҳатто бомбаси ҳам йўқота олмайди.

(Давоми 2-бетда)

**ИСЛОҲОТ**

# Тадбиркорликка кенг йўл

***Мамлакатимиз иқтисодиётини янги босқичга кўтариш учун Президентимиз томонидан июн ойининг ўзида тадбиркорларнинг фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар эълон қилинди. Уларнинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришда аҳамияти бениҳоядир.***

Адлия вазирлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдукамол Раҳмонов билан суҳбатимиз айни шу хусусда бўлди.

**- Тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ушбу Фармон ва қарорларни қандай изоҳлайсиз?**

- Маълумки, Ўзбекистон ҳуқуқий демократик суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб келиши билан миллий қонунчилигимиз ривожида туб ўзгаришлар жараёни бошланди. Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаларига таянган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилиши белгилаб қўйилди. Шундай қилиб миллий қонунчилигимизда мулкчиликнинг шакллари рўёбга чиқди. Республикамизда хилма-хил шаклда мулкчиликни истиқболлаштириш фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлидаги давлат сиёсати йўналишларидан бирига айланди.

(Давоми 2-бетда)

# Мақсадимиз – ғамхўрлик

***Агросаноат мажмуи ходимлари Хоразм вилоят касаба уюшмаси раиси Қодирбек Раҳимов одамларга ғамхўрлик қилиш учун киши аввало зиёли қалб эгаси бўлмоғи лозим деб билади. Шу боисданми суҳбатимизни у шундай бошлади:***

- "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг чин маънода мухлиси эканлигимни айтмоқчи эдим. Унинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан мутолаа қиламан, десам муболаға эмас. Газета саҳифаларида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, қишлоқ ва халқ хўжалиги соҳаларидаги муваффақиятлар билан бир қаторда баъзан ишимизга тўсиқ бўлаётган муаммолар ёритилиши ва истиқлолдан руҳланиб меҳнат қилаётган кишиларимиз қалб туғёнлари ифодаланган мақолалар, шунингдек, "Буни ҳаёт дейдилар", "Қишлоқда дув-дув гап", "Ҳангома" рукнларидаги берилган қизиқарли воқеалар ҳар бир муштарийни ўзига жалб қилади, деб ўйлайман.

**СУҲБАТ**

- Сиз раҳбарлик қилаётган касаба уюшмасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида тўхталсангиз.

- Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жараёни қизғин кечаётган, ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл очилган айни пайтда касаба уюшмалари олдида ҳам қатор жиддий масалалар турибди. Бу аввало аҳолининг кам таъминланган, иқтисодий ночор қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, боқувчисини йўқотган қарияларга меҳр-мурувват кўрсатиш, оналар ва болаларни соғломлаштириш, энг муҳими меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини жамоат шартномалари ва келишувлар орқали ҳимоялашда акс этади. Жамоа шартномалари жойларда касаба уюшма қўмиталари ўз аъзоларини ҳимоя қилишни амалга оширишда асосий ҳужжатлардан бири бўлиб қолмоқда.

(Давоми 3-бетда)

*(Давоми. Боши «Қишлоқ ҳаёти» газетаси иловаси «Ҳаёт»нинг 3,4,5,6 ва «Қишлоқ ҳаёти»нинг 93, 95-сонларида.)*

***Ё пора бериб, ё пора олиб тирикчилик қилиб, кун кечириб юрган киши қай юз билан, мен оила бошлиғиман, дея олади?***

Бундай оила – оила саналадими? Бундай оилалар кўпайган маҳалланинг маҳаллалиги қоладими?

Али аканинг бу гаплари минбардан туриб айтиладиган гапга ўхшаб кетар эди. Менимча, Али аканинг хаёли жойида эмас эди. Бошларига тушган бу мусибатни ҳазм қила олмаётган эди. Бу ҳам етмагандай ташқарида бир аёлнинг ўлан айтгани эшитган қулоқнинг барига малол келди:

**Тўра СУЛАЙМОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**




*Қора товдан келемин*
*қора босиб,*
*Желкеме овурлиқдинг*
*жугин осиб.*
*Ўз сўзиде турмайтин*
*сў жигитмен,*
*Энди қайтиб кўришмек*
*қилмас насиб.*

Баралла бақириб ўлан айтаётган Али аканинг келини Садаф экан. Садаф икки куннинг ичида ақлдан озиб улгурибди. Бир пайт қўлида гул билан отилиб ичкарига кирди. Келинчак қўлидаги гулни, "олатин одам бўлса сатамин", деб ўлан айтар эди:

*Ўлен-ўлен дегенде*
*ўлген экен,*
*Бир жигитти тириклей*
*кўмген экен.*

(Давоми 4-бетда)

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) | БЕНЗИН (91) | ДИЗ.ТОПЛИВО | МАЗУТ | СЖ.ГАЗ | МАСЛО ХЛОПК. | САХАР | МУКА выс.сорт |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 398,9 ▲ + 3,4 | 433,1 ▼ - 21,8 | 283,6 ▲ + 0,4 | 117,1 ▲ + 14,9 | 351,9 ▼ - 31,1 | 819,2 ▲ + 4,9 | 588,0 ▼ - 0,02 | 280,0 ▼ - 0,1 |

# Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисоб варақлардан накд пуллар узлуксиз берилиши тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик иш якунларини сарҳисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг, иш якунларини кўриб чиқиш вақтида, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисоб варақларидан накд пулларни кечиктирмай тўлаш борасида ўрнатилган тартиб бир неча марта (ойига уч мартадан кўпроқ) бузилган тақдирда тижорат банклари ҳудудий бўлимлари ва филиалларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши лозимлиги тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Накд пул маблағлари узлуксиз бериб борилишини таъминлаш учун тижорат банкларининг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки накд пул маблағлари беришни мунтазам кечиктириш ҳоллари мавжуд бўлганида тижорат банкларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари, ҳатто банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни қайтариб олиш чораларини қўлласин.

5. Накд пуллар узлуксиз тўланишини таъминлаш мақсадида:

тижорат банклари ўз бўлинмаларида накд пул маблағларига бўлган талаб тезкорлик билан тўлдирилишини ва мижозларнинг буюртмалари қондирилишини таъминлайдиган накд пул захирасини яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки накд пулларнинг минтақавий захира жамғармаларини ташкил қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банкларини уларнинг Марказий банкдаги ваkиллик ҳисоб варақларидаги маблағлар доирасида, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоб-касса марказларидаги захира жамғармаларидан фойдаланган ҳолда накд пул маблағлари билан чекланмаган миқдорда таъминлаб турсин;

накд пулга бўлган талабни узлуксиз таъминлашни назарда тутиб, республика минтақалари ўртасида накд пул маблағларини тезкор қайта тақсимлашни амалга оширсин;

тижорат банклари билан биргаликда тижорат банкларининг филиалларидаги накд пул захиралари ҳажмининг энг кам миқдорини тасдиқласин ҳамда мажбурий захиралар бўйича талабларни ҳисоб-китоб қилиш чоғида умуман банк бўйича амалдаги захиралар суммасини ҳисобга олсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари:

ўз тузилмаларида накд пул маблағлари берилиши мониторинги бўйича махсус бўлинмалар ташкил қилсин;

накд пулни қонуний беришдан бош тортиш ҳоллари қайд этилиши ва назорат қилиниши юзасидан индикаторлар ишлаб чиқсин ва шулар асосида тегишли ойлик ҳисоботни жорий этсин.

Қуйидагилар мазкур бўлинмаларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кундалик накд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, шунингдек накд пул ҳисоб- китобларининг ҳолатини таҳлил қилиш, накд маблағларни тўлаш ҳолати, уларни беришни кечиктириш ҳоллари мавжудлиги тўғрисида ҳар ойлик ҳисоботларни тақдим этиш;

накд пул захиралари ҳолати ва улардан фойдаланишни тезкорлик билан бошқариш, шунингдек бўш накд маблағлар етарли ҳажмда бўлишини таъминлаш мақсадида улардан оқилона фойдаланиш;

банк мижозларининг накд пул маблағларини чекловсиз ва узлуксиз бериш масалалари бўйича мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш, тижорат банкларининг бўлимлари ва филиалларида ушбу масалалар юзасидан текширишлар ўтказиш;

тижорат банклари мансабдор шахсларининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисоб варақларидан накд пуллар узлуксиз берилишига оид талаблар бажарилишини таъминлаш борасидаги фаолияти натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки жавобгарлик чоралари қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Накд пулларни бериш масалаларига тезкорлик билан эътибор қаратиш учун ҳар бир минтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан «ишонч телефони» орқали мурожаатини кўриб чиқиш ва келиб тушаётган мурожаатлар дарҳол текширилиши ташкил қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисоб варақларидан накд пул сўзсиз ва чекловсиз тўланишини таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволини ҳар чоракда умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

банкдан ташқари айланмани чеклаш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар сотиш, иш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган накд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ топширилиши устидан назоратни кучайтирсин;

банк кассаларига топширилган накд-савдо тушуми билан чакана товар обороти ва пулли хизматларни амалдаги ҳажмлари ўртасида мутаносиблик бўлиши, шунингдек чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан мажбурий фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловни қабул қилишдан ҳуқуққа зид тарзда бош тортиш фактлари аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораси кўрилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарорнинг қоидаларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Раиси Ф.М.Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 август

# Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

1. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилсин.

Белгилансинки, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларига қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тартиби ва жараёнларини белгиловчи, шунингдек судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча кафолатларни белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Шу билан бирга мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ нафақат қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, балки идоравий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган норма ва нормативлар ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, молия, иқтисодиёт, адлия, ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси икки ой муддатда қамоққа олишга санкция бериш бўйича прокуратура органларининг ваколатлари судларга ўтказилишини ҳисобга олиб, умумий юрисдикция судларини ташкилий-кадрлар жиҳатдан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати суд қарорига биноан қамоққа олиш тартиби жорий этилиши муносабати билан судьялар ҳамда прокуратура органлари, ИИВ ва МХХ тергов бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига киритилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 8 август

# Бўлажак хирмон масъулияти

(Боши 1-бетда)

Бу йилги ниятимиз ҳам баланд. Ҳозиргача пахтазорларимизнинг ҳар гектарига 800 килограммдан минерал, 30 тоннадан маҳаллий ўғит солдик. Айни пайтда ҳар туп ғўзада 18 тагача, айрим ҳосил шохларида ўртача 15 тадан кўсак бор. Мақсадимиз ҳосилдорликни гектар бошига 65 центнерга етказишдир. Бунинг учун август ойида ишни аниқ йўналишлар бўйича олиб бориб, юксак режамизни кутилганидек адо этиш ҳаракатидамиз.

**Насиба УСМОНОВА, Хатирчи туманидаги хусусий "Олтин кўз" биолабораторияси мудираси:**

–2004 йили ташкил этилган бу хусусий биолабораториянинг мустақил самарали ишлаши учун барча имкониятлар яратиб берилди. Бизда битта механизациялашган линия мавжуд. У йилига 20 минг гектар ғўза майдонларини шира, трипс, ўргимчаккана, кўсак қурти ва бошқа зараркунандалардан самарали ҳимоялаш учун етарли биомаҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Биофабрикамизда трихограмма, бракон, олтин кўз каби фойдали ҳашаротлар ишлаб чиқарилаяпти. Бунинг учун, албатта, республика ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Тошкент аграр университети, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда илмий-амалий иш қилинмоқда.

Биолабораториянинг тўла қувват билан самарали ишлаётганлиги туфайли пахтанинг ашаддий зараркунандалари, масалан, шира, ўргимчаккана, кўсак қурти 2004 йили ғўзага зарар етказолмади. Уларга қарши бир килограмм ҳам заҳарли химикат ишлатилмади.

Биолабораториямиз ходимлари ҳозирги кунда Хатирчи туманида 12516 гектар пахтага 3 марта биоусул билан ишлов беришди. Эндиликда кўсак қуртининг энг хавфли 4-авлодига қарши трихограмма тухумлари қўлланилмоқда. Зараркунандаларнинг асосий тарқалиш ўчоқлари мунтазам назорат остига олинган. Уларнинг хавфли даражада тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун назоратни кучайтирганмиз. Навбаҳор, Самарқанд вилоятидаги Нарпай, Пахтачи туманларида ҳам биоусул қўлланилиб, амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

Бугун Навоий вилоятининг деҳқонлари мўл ва сифатли ҳосилни кўзлаб меҳнат қилишаяпти. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг мурожаатномаси уларни август ойининг қимматли дамларидан оқилона фойдаланишга руҳлантираётир.

**Суҳбатдош: Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ**



Касби туманидаги Денов қишлоғида ҳунармандчилик билан шуғулланадиган "Уста Мақсуд" хусусий корхонаси фаолият олиб боради. 18 киши иш билан таъминланган мазкур оилавий корхонада маҳаллий хом ашёдан ўн икки хилдан зиёд уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.
СУРАТДА: Маҳмуд Муртазоев.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# Аввал ўзингга боқ...

(Боши 1-бетда)

Айтинг-чи, бизда қайси аёл ёки эркак қип-яланғоч ҳолда кўчага чиқади, қайси эркак эркак билан турмуш қурганлигини бутун мамлакатга ёйиб тўй ўтказади, қайси мусулмон диний эътиқоддан воз кечганлиги билан мақтанади, қайси фарзанд ота-онага оқ бўлганлиги ёки ота-она фарзандини оқ қилганлиги билан фахрланади, қайси ўзбек фақат ўзи ҳақида ўйлаб ёлғизликни орзу қилади? Хуллас, бизнинг турмуш тарзимиз ғарбникидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Айниқса, шарқона одоб, катта ҳурмат, ибо ва ҳаё, ўзбекона илтифот, одамийлик биз учун муқаддас тушунчалардир. Уларни ҳеч нарса билан, шу жумладан, ғарбнинг турмуш тарзи билан алмаштириш мутлақо мумкин эмас.

Албатта, бундай давлат фақат Ўзбекистон, бундай миллат фақат ўзбеклар эмас. Айниқса, Осиёда ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳатто тазйиқ ўтказилган тақдирда ҳам ўз миллий менталитетидан воз кечмайдиган халқлар кўп. Уларга ташқаридан туриб аралашув ҳеч қандай самара бермайди. Бундай пайтда демократия "даҳолари" ниқобни йиртиб ташлаб, жаҳон афкор оммасининг кўз олдида сурбетлик билан "демократияни олға силжитиш" деб аталаётган муайян технологияларни қўллайдилар.

Бу технологиялар "демократия тақчиллигини қоплаш", "рангли инқилоб", "бахмал ўзгариш" ва бошқа номлар билан аталади. Бу технологиялар дастлаб Ироқда сўнгра Грузия, Украина ва Қирғизистонда қўлланилди. Бироқ, Ўзбекистонга келганда режа барбод бўлди. Демак, қаердадир "хато" қилишди. Бунга, аввало, Юртбошимизнинг қатъиятлилиги, қолаверса, миллатимизнинг менталитети сабаб бўлди. Бузғунчилар шуни эътиборга олмай доғда қолишди ва аламзадалик билан жазавалари тутиб, энди Ўзбекистонга инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги тамғасини босишди. Гўё ўзларида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммо йўқдай.

Ироқдаги қамоқхонада маҳбуслар қай даража ҳақоратланганини бутун дунё билади. Бу ишни ўрта аср ваҳшийлари эмас, XXI аср демократлари қилишди. Нима, бу инсон ҳуқуқларининг бузилиши эмасми?! Ёки, Гуантанамо қамоқхонасида ўз айбларининг нимада эканлигини билолмай ётган юзлаб маҳбусларнинг ҳуқуқлари бузилмаяптими?

Яқинда "Халқаро амнистия" ташкилоти АҚШнинг инсонлар қийноққа солинадиган махфий қамоқхоналари борлигини аниқлади. Ташкилот вакиллари ана шундай қамоқхоналардан бирида икки йил қийноқ азобларини тортган икки нафар яманлик маҳбус билан суҳбатлашиб, бор ҳақиқатни билиб олишди. Қийнашаётган пайтда мусиқа овозини баланд қилиб қўйишар экан. "Конституцион ҳуқуқни ҳимоя қилиш маркази" деб аталадиган бошқа бир ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти ҳам бу маълумотни тасдиқлади. Бундай қамоқхоналарда асосан ҳали айби аниқланмаган чет эл фуқаролари сақланаркан.

Ана энди бу "раҳмдил" демократларнинг ҳозир Ўш қамоқхонасида сақланаётган 15 нафар Ўзбекистон фуқаросига нисбатан муносабатини эшитинг. Айрим маълумотларга қараганда, уларнинг 4 нафари Андижон қамоқхонасидан қочган жиноятчилар, 11 нафари эса Андижондаги террористик хуружларда қатнашган экстремистлар. Ўзбекистон Қирғизистондан ана шуларни топширишни талаб қилаётган бир пайтда АҚШнинг расмий доиралари зўр бериб уларни ҳимоя қилишга ўтиб олди. Тазйиқ остида уларнинг 11 нафарига сиёсий қочқин мақоми берилди. Қолган тўрт нафарига ҳам шундай мақомни бериш талаб қилинмоқда. Ҳозир АҚШ уларни Қирғизистондан олиб чиқиб кетишишига ўзидан ташқари БМТ, Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотларни жалб этган. Шундай катта ва буюк давлатнинг ҳозир шу 15 кишини "қутқариб қолиш"дан бошқа ташвиши қолмаган. Бу иш билан шахсан давлат котибининг ўзи шуғулланяпти. Қамоқдаги ўн беш кишининг тақдири билан гўё АҚШнинг тақдири, ер юзидаги инсон ҳуқуқларининг тақдири ҳал бўладигандай. Ғирт ўйиндан бошқа нарса эмас. Аввал ўз қамоқхоналарингдаги аҳволга боқ, сўнгра ноғора қоқ.

Ҳозир БМТнинг Қочқинлар иши бўйича олий комиссари вакиллари бутун Европа бўйлаб кезиб юришибди. Улар шу 15 кишини бирорта давлат сиёсий қочқин сифатида қабул қилармикан, деб умидвор бўлишмоқда. Бироқ, ҳозирча ҳеч кимдан садо чиққани йўқ. Тазйиқлар, таклифлар, илтимослар иш бермаяпти. Муддат ўн кун. Агар ана шу муддатда уларни ҳеч бир давлат қабул қилиб олмаса, Қирғизистон ҳаммасини Ўзбекистонга топширишга мажбур. Қирғизистон бош прокурори Азимбек Бекназаров ўтган пайшанба куни "Азаттык" радиосига берган интервьюсида шундай деган: "Агар бу одамларни қочқин сифатида ҳеч бир мамлакат қабул қилмаса, Қирғизистон халқаро нормаларга биноан уларни Ўзбекистонга топширишга мажбур". Агар шундай бўлса, инсон ҳуқуқлари масаласида ўзларига бошқа ва ўзгаларга бошқа стандартларни қўллаётган демократия "ҳомийлари" қандай аҳволга тушишар экан?!

АҚШнинг оммавий ахборот воситаларида бу воқеа фақат инсон ҳуқуқлари билан боғланаяпти ва осмондан келиб шарҳланяпти. Такаббурлик шу даражадаки, қандайдир Ўзбекистон деган давлатни менсимаслик шарҳлар мазмунида акс этиб турибди. Жумладан,"Интернационал геральд трибьюн" газетаси ўзининг 4 август кунги редакцион шарҳида Ўзбекистон авиабазани олиб чиқиб кетиш тўғрисида талаб қўйганида АҚШ ялиниб-ёлвориб ундан шафқат сўрамади, бунинг эътиборга моликлиги шундаки,Буш ҳукумати оҳир вазиятда инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳарбий манфаатдан устун қўйди, деб ёзди. Демак, ҳукуматга Хонободдаги авиабазадан кўра, Ўш қамоқхонасида сақланаётган 15 нафар маҳбуснинг тақдири муҳимроқ экан.

Айтгандай, АҚШнинг расмий доиралари ўн беш кишининг ҳуқуқлари ҳақида жон куйдираётган шу кунларда жаҳон жамоатчилиги Хиросима шаҳрига атом бомбаси ташланганлигининг олтмиш йиллигини чуқур қайғу билан нишонлади. Ўшанда бир пайтнинг ўзида 140 минг инсон куйиб кул бўлган эди. Тарих унутмайди ва кечирмайди. Ҳали Вьетнамдаги юз минглаб, собиқ Югославиядаги минглаб қурбон бўлган инсонларнинг ҳуқуқлари қай даражада бузилганлигини ҳам эслашга тўғри келади.

Афтидан, АҚШлик ҳамкасбларимиз андишани ҳам йиғиштириб қўйишган кўринади. Улар баъзан очиқ иғвогарлик йўлига ўтиб олишяпти. Жумладан, "Бостон глоб" газетаси очиқдан-очиқ: "Агар ўзбеклар ажойиб кунларнинг бирида украинлар ва грузинлар қилган ишни қилсалар, яъни ўзларидаги режимни ағдарсалар, ўз тушунчаларини қайта кўриб чиқадилар, ана шунда бугун Америка танлаган йўл стратегик нуқтаи назардан оқилона эканлиги маълум бўлади" деб ёзди. Бу сўзларга изоҳ зарурми? Йўқ, албатта. Уларнинг асосий мақсади Ўзбекистонда ҳам "рангли инқилоб" қилиш эди. Бўлмади. Шундан кейин демократия ва инсон ҳуқуқлари ўйинини ишга солишди.

Бу ўйинда Европа Иттифоқи ҳам қатнашаётганлиги ҳайратланарли. Европа Иттифоқи кенгаши бош котиби Хавьер Солананинг шахсан ўзи Ўш қамоқхонасидаги 15 нафар ўзбек фуқароси ҳуқуқи бузилмаслигини назорат қилиб турганмиш ва уларнинг Ўзбекистонга топширилишига қаршимиш. Яхшиси, жаноб Солана бутун Еропа мусулмонларининг ислом динига бўлган эътиқодлари ҳуқуқий жиҳатдан поймол этилган Европа Иттифоқи Конституцияси лойиҳаси ҳақида ташвиш тортса бўларди. Бу ҳужжатда христиан динидан бошқа динлар ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилмаган. Туркияни қабул қилсак, Европага ислом дини кириб келади, деган ваҳима Европа Иттифоқидагиларга тинчлик бермаяпти. Яна бир ҳақиқатни айтишнинг ўрни келди. Милошевич ва унинг шериклари аслида боснияялик мусулмонларни қириб ташлагани учун суд қилинмаяпти. Жаҳон афкор оммаси олдида уларга шундай айб қўйилган бўлса-да, аслида Югославияни бомбардимон қилишга буйруқ берганлар устидан сиртдан чиқарилган ҳукм учун ўч олиш мақсадида суд жараёни ўтказилмоқда.

Европа Иттифоқи комиссарлари бошқа қитъалардаги айрим одамларнинг тақдирлари ҳақида ташвиш тортишдан кўра, кўпроқ Европадаги мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда миллий қадриятлари ҳақида бош қотиришса бўларди. Улар ўз қадриятларидан айрилиб, ғарб демократиясининг қурбони бўлаётганлигини жаҳон кўриб турибди. Бишкекдан олиб чиқиб кетилган 439 нафар ўзбек фуқароси ҳам ўзлигидан айрилиб, шундай аҳволга тушади. Улар жойлаштирилмоқчи бўлаётган давлатларнинг орасида бирорта ҳам мусулмон мамлакат йўқ. Бу нарса атайлаб режалаштирилганлиги аниқ.

Ҳар сафар Бушнинг "ироқликлар демократия шароитида яшай бошлашди" деган гапини эшитганда ҳар қандай кишининг энсаси қотади. Демократия қурол кучи билан ўрнатиладими? Унда унинг демократиялиги қаёкда қолади? Умуман, бировнинг турмуш тарзини зўрлик билан ўзгартириш яхшиликка олиб бормайди. Тарихни ўқиш, ўрганиш керак. Бағдод ҳеч қачон бировга қарам бўлмаган, ироқликлар ҳеч қачон бировнинг турмуш тарзини қабул қилишмаган. Бағдод жаҳон цивилизацияси илдиз отган жой. Марказий Осиё, хусусан, бизнинг Ўзбекистонимиз, ўзбек халқимиз ҳам худди шундай.

Бизнинг маданиятимиз, эътиқодимиз ва қадриятларимиз чуқур илдиз отган. Унга болта ураман деган куч доғда қолади. Биз ўзимиз танлаган йўлни ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда давом эттираверамиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи.**

# Тадбиркорликка кенг йўл

(Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма йиғилишида сўзлаган маърузасида *"Биз барчамиз, биринчи навбатда қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак.*

*Минг афсуски, ўзимиз яхши қонунлар яратамиз-у, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз.*

*Тадбиркорлик фаолиятига нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етди.*

*Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар"*, деб таъкидлаган эдилар.

Шундан кейин йиллар давомида ўтказиб келинаётган ислоҳотлар қисқа вақт ичида жадал ривожланиш тусига кирди. Тез орада Президентнинг "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Барча тармоқлар бўйича ислоҳотларнинг аниқ йўналишли ялпи тадбирлар дастури ва уни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича ишчи гуруҳларининг таркиби тасдиқланди. Дастур таркибига кирган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада либераллаштириш йўналиши бўйича белгиланган Концепциянинг ижросини таъминлаш борасида жуда катта ишлар бошлаб юборилди. Сўз билан иш бирлигини давлатимиз раҳбарининг қарор ва фармонларида ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган амалий ишларда ҳам кўриш мумкин.

**- "Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу фармони тадбиркорларнинг ўз фаолиятини эркин амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни белгилаб берадиган қулай чора-тадбирларни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини аниқлаштиришдан иборат?**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу Фармон ўз-ўзидан ёки тўсатдан қабул қилингани йўқ. Бу бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиётига ўтишнинг навбатдаги босқичи, тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал қилишнинг аниқ механизмидир.

**- Мазкур Фармон асосида қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини қайта кўриб чиқиш назарда тутилган?**

- Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида тизимли асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган давлат ҳокимияти олий органлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, вазирликлар ва идоралар даражасида тасдиқланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати тасдиқланди.

Жумладан, биринчи рўйхат бўйича 8 та қонун, Президентнинг 13 та Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 9 та Қарорлари ва 8 та идоравий-меъёрий ҳужжатлар, жами 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янгидан қабул қилиниши кўзда тутилган.

Иккинчи рўйхат бўйича эса 14 та қонунга, 2 та Президент Фармонига, 12 та Вазирлар Маҳкамаси қарорларига, 9 та идоравий меъёрий ҳужжатларга, жами 37 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш киритиш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 1 та қонуннинг, 1 та Президент Фармонининг ўз кучини йўқотиши ҳамда янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг кучга кириши билан солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибига оид барча идоравий меъёрий ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши эътироф этилган.

Фармоннинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, унда қабул қилинадиган, ўзгартириш киритадиган ёки ўз кучини йўқотадиган норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг номи, ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим этишнинг аниқ муддатлари ҳамда шу иш учун масъул давлат органлари ва идоралари аниқ кўрсатиб қўйилган. Шунингдек, тегишли давлат органларига қабул қилинаётган, ўзгартирилаётган ва бекор қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш вазифаси юклатилган.

Бундай ижобий ишларни Президентимизнинг 2005 йил 10 мартдаги қарори ижроси юзасидан қабул қилинган 14 та Фармон ва Қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та Қарори, давлат органларининг 4 та идоравий меъёрий ҳужжатлар тимсолида кўриш мумкин. Масалан, Президентнинг 2005 йил 11 апрел кунги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилинганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

**- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги Фармон талаблари нималардан иборат?**

- Президент Фармонида Адлия вазирлиги зиммасига Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низомига мувофиқ юклатилган қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш ва бошқа асосий вазифалар қатори қўшимча равишда қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиб олиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва ҳукуматга киритиш таомилидан ўтиш устидан мониторинг ўрнатиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юридик экспертизадан ўтказилишини, шунингдек, ушбу Фармонда кўзда тутилган идоравий норматив ҳужжатлар белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминлаш; вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг норматив ҳужжатларини қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришлари устидан назорат ўрнатиш каби муҳим вазифалар ҳам юклатилди.

Эндиликда Фармонда назарда тутилганидек, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг доимий кузатуви асосида амалга оширилади. Бундай кузатув меъёрий ҳужжатларни ўз муддатида қабул қилинишини, ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий тушунмовчиликларни ўз вақтида ҳал этилишини, пировардида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш имконини беради.

Дарҳақиқат, ҳар қандай қонун ижроси билан кучли. Шу сабабли ҳам қонуннинг кучини таъминлаш Фармоннинг яна бир муҳим жиҳатига айланди. Қабул қилинаётган қонунларга қатъий риоя қилинишига эришиш йўлида, қолаверса, ҳар бир фуқаро амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг аниқ ижобий натижаларини ҳис этиши учун Вазирлар Маҳкамасига, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, шаҳар ва туман ҳокимликларига қабул қилинган қонун ҳужжатларининг барча даражаларда бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Шуниси муҳимки, ҳуқуқий одоб-ахлоқи шаклланган халқ ва унинг қудратли давлати жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътиборга молик бўлиши шуб-ҳасиз.

**Суҳбатдош: Абдураззоқ КАРИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

